# ОСИЁДА БАРҚАРОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК—ҲАММАНИНГ ИШИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Бугун эрталаб Бош министр Ражив Ганди жаноблари ва мен имзолаган ядро қуролидан холи ва зўравонликдан халос бўлган дунё принциплари тўғрисидаги Декларация ҳам мана шу буюк мақсадларга хизмат қилади.

Ҳа! Хизмат қилади, чунки: икки буюк давлат ядро қуроли ва зўравонликдан холи бўлган дунё принципларини эълон қилибгина қолмай, бу принципларни халқаро муносабатларнинг конкрет практикасида амалга оширмоқда.

Ҳамма ядро қуролларини ва бошқа оммавий қирғин воситаларини аср охиригача босқичма-босқич тугатишнинг 15 январь куни эълон қилинган совет программаси, халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг кенг қамровли системасини яратиш концепцияси, ядро портлатишларига бизнинг мораторийимиз, бошқа тинчлик ташаббуслари комплекси— буларнинг ҳаммаси, бизнинг назаримизда «Деҳли олтилиги» йўлига, Ҳиндистоннинг соғлом фикр кучига, ҳозирги ва келгуси авлодлар учун тинчлик ва тараққиётни таъминлаш имкониятига ишонч ҳамоҳангдир.

Олти ҳафта муқаддам жаҳон Рейкьявикда уфқда ядросиз дунё саробини эмас, балки ҳар икки томонда истак ва масъулият бўлган тақдирда эртагаёқ қадам қўйиш мумкин бўлган энг яқин воқеликни кўрди.

У ерда, Рейкьявикда тарихий аҳдномалар кўпригини қуриш учун кўп иш қилинди.

Афсуски, бунга эришиб бўлмади. Йўлда «стратегик мудофаа ташаббуси» ғови пайдо бўлди.

Бироқ инсоният бунга рози бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Ҳозир вазият қандай туюлмасин, бир йил ичида тафаккурда: зарур реал ва мумкин бўлган чегаралар тўғрисидаги тасаввурларимизда жуда катта қадам қўйилди.

Тугаб бораётган йил бизнинг Ҳиндистон Бош министри Ражив Ганди жаноблари билан икки марта учрашувимиз билан нишонланди. У билан суҳбатларимиз, биз бир-биримизга айтган фикрларимиз ва ахборотларимиз бурилиш бўлиши мумкинлигига, ядро хавфи эса бартараф этилишига ишончимизни комил қилади.

Биз ядро қуроллари ҳамма синовларини тўла тўхтатиш тўғрисидаги масалада Ҳиндистон ҳукуматининг позициясини юксак қадрлаймиз. Ҳиндистон ўзи мустақил равишда ҳамда биринчи марта Деҳлида тўпланган олти давлат группасида ҳар қандай ядро портлатишларига Совет Иттифоқи мораторийсини қўллаб-қувватлади.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистоннинг халқаро хавфсизлик кенг қамровли системасини яратиш ғоясига ёндашувларининг ўхшашлиги бизни қувонтиради. Деҳли Декларацияси мустаҳкамлиги ва янги сифати гарантияланган ана шу тинчлик концепциясини олға томон силжитиш ишида қўйилган янги қадамдир.

У ёки бу регионлаги можароли ва хатарли вазиятлар бутун жаҳон жамияти манфаатларини кўзлаб ҳал этилиши кераклигини моҳияти жиҳатидан олганда биз учун дунё ажралмас ва яхлитдир. Чунки Ер шарининг бир бурчагида тутай бошлаган олов портлашга олиб келиб, бутун планетани парчалаб юбориши мумкин.

Ҳар бир халқ учун ялпи тинчлик унинг уйи остонасидан бошланади. Шунинг учун ҳам Осиёда барқарорлик ва хавфсизлик Ҳиндистон учун ҳам, Совет Иттифоқи учун ҳам умумий юмушдир.

Совет Иттифоқи учун ҳам умумий иш эканлигини таъкидлаб ўтишни истайман. Чунки Осиёнинг учдан бир қисмидан кўпроғи Совет Иттифоқи территориясига тўғри келади, мамлакатимизнинг ғарби ва шарқини бир-бири билан боғловчи энг муҳим денгиз йўллари эса Ҳинд океани орқали ўтади.

Бизнинг сиёсатимизда Европадаги тинчлик ва Осиёдаги тинчлик баравар аҳамиятга эга. Шу муносабат билан Рабиндранат Тагорнинг «Уй ва тинчлик» деб номланган ажойиб романининг номи ҳаракатларимизни тавсифловчи образ каби янграйди.

Бизнинг миллий маконимиз мустаҳкам бўлиши учун унга тинчлик керак, тинчлик биноси бутун туриши учун унинг ҳамма устунларини бақувват қилишимиз лозим.

Ҳиндистон — қўшилмаслик ҳаракатининг тан олинган лидерларидан бири, бунинг устига у — жаҳон ҳамжамиятининг нуфузли аъзосидир.

Шу боисдан биз бугун бу ерда жаҳондаги йирик давлат сифатида Ҳиндистонга, халқаро ишларда амалийлик даражасини оширишни истаётган бошқа давлатларнинг кўпчилигига қарата бир қанча мулоҳазаларимизни айтмоқчимиз.

**Биринчидан.** Кишилар ҳаёти учун хавф умумий хавфга айланган, ўзаро боғлиқликни ва ўзаро жавобгарликни тушуниб етиш ҳамма учун ҳаётий муҳим бўлиб қолган ядро асрида қўшилмаслик ҳаракати, Африка Бирлиги Ташкилоти, Жанубий Осиё Регионал ҳамкорлик уюшмаси каби ва бошқа халқаро муассасалар ва ташкилотларнинг аҳамияти ортади. Бундай шароитда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолияти янада катта аҳамиятга эга бўлади, албатта.

Сўнгги даврда давлатлар ҳамжамияти кенгайди, мустаҳкамланган ва тажриба орттирган мустақил давлатларнинг БМТдаги овози дадилроқ ва мустақилроқ бўлиб қолди, нима учун ва қандай овоз беришни ўргатишга уринишлар аксарият ҳолларда ўтмаяпти, халқаро ишлардаги ўзбошимчалик ошкора қораланмоқда.

Бу эса баъзи кимсаларга ёқмаяпти ва шу сабабли БМТ «кризиси» тўғрисидаги гаплар бошланди. Фақат гаплар эмас, балки БМТнинг нормал фаолиятини ҳақиқатан ҳам қийинлаштиришга мўлжалланган ҳаракатлар ҳам бошланди. Биз эса аксинча —БМТ состави жиддий ўсганлиги, унинг аъзолари мустақиллиги ошганлиги муносабати билан БМТнинг роли ҳам ортади, деб ҳисоблаймиз.

Ядро-космик даврида 159 давлатни бирлаштирган БМТ унга асос солиш чоғида кўзда тутилган тинчликни мустаҳкамлашга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириши мумкин ва лозим, бунинг учун эса аввало янгича сиёсий тафаккур ҳамда ҳаракат тарзи шакллантирилиши зарурлигига ишончимиз комил.

Совет Иттифоқи ана шу универсал халқаро ташкилотнинг имкониятларидан, жумладан, унинг иши ва унинг асосий органларини демократлаштириш йўли билан олдингига нисбатан самаралироқ фойдаланиш учун курашмоқда.

Конкрет олганда биз БМТ Бош секретарининг БМТ доирасида уруш хавфини камайтириш юзасидан кўп томонлама марказ тузиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаймиз.

Бизнингча, БМТ Уставида кўзда тутилган давлатлар ўртасидаги баҳсларни тинч йўл билан ҳал этишнинг ҳамма усулларидан— музокаралар олиб бориш, текшириш, воситачилик қилиш, яраштириш, арбитраж, судда кўриб чиқиш, регионал органларга мурожаат қилиш ёки битимлар воситасида ҳал қилиш йўлларидан тўла фойдаланишга эришиш ҳам жуда муҳимдир. Умуман биз БМТ обрўсини бутун чоралар билан ошириш, унинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий статусини мустаҳкамлаш тарафдоримиз, СССР ташкилотнинг молиявий проблемаларини бартараф этишга қўлидан келганча ҳисса қўшади.

**Иккинчидан.** Ер устидаги фазо бутун инсониятни қуршаб турибди, ундан қандай фойдаланилаётганлиги ҳеч ким учун бефарқ бўлмайди.

Биз шунга чуқур аминмизки, космос —инсониятнинг умумий мулки бўлиб, у фақат тинч бўлиши лозим. Самовий уруш эмас, балки самовий тинчлик бўлиши керак.

Биз космосни ўзлаштиришда ҳар қандай мамлакат билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз. Масалан, Қўшма Штатлар билан ҳам ҳамкорлик қилишга тайёрмиз, яқинда Қўшма Штатлар билан бу соҳада икки томонлама битим лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда инсониятга бебаҳо фойда келтириши мумкин бўлган 16 та конкрет лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилади. Совет Иттифоқи БМТга унинг ҳамма аъзолари билан биргаликда «самовий тинчлик» программасини тузиш, космосни тинч мақсадларни кўзлаб ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш тўғрисида таклиф киритди. Бу фақат ривожланган мамлакатларнинг имтиёзи бўлиб қолмаслиги керак.

Бундай ишда ривожланаётган мамлакатларнинг обрў-эътибори ва ана шу вазифаларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш истаги, уларнинг космосни ўзлаштиришни кенг халқаро кооперация асосида тинч изга ўтказишдан манфаатдорлиги муҳим роль ўйнайди, деб ҳисоблаймиз.

Шу сабабли биз бугун ривожланаётган мамлакатларнинг буюртмаларига мувофиқ космик техника намуналарини, масалан, табиат ресурсларини ўрганиш учун йўлдошларнинг намуналари юзасидан биргаликда тадқиқотлар ўтказиш ва ишлаб чиқиш учун етакчи космик давлатлар ёрдамида халқаро марказ тузишни таклиф қиламиз. Бундай марказ ҳузурида ривожланаётган мамлакатларнинг мутахассисларини, шу жумладан космонавтларини тайёрлаш мактаби, шунингдек, космик объектларни учириш учун полигон ишлаб туриши мумкин.

Агар Ҳиндистон ана шундай марказ учун ўз территориясидан жой беришга тайёр эканлигини изҳор этса, биз буни табриклаган бўлардик.

**Учинчидан.** Маълумки, Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон БМТнинг Ҳинд океанини тинчлик зонаси, деб эълон қилиш ҳақидаги Декларациясини амалга ошириш мақсадида 1988 йилдан кечиктирмай халқаро конференция ўтказиш тўғрисидаги БМТ қарорини қўллаб-қувватламоқда. Ҳинд океанини ҳарбий аслаҳалардан халос қилиш ишини қотиб қолган нуқтадан силжитиш зарур.

Совет Иттифоқи Ҳинд океани районида ҳарбий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш учун ҳаракат қилар экан:

— АҚШ билан ва Ҳинд океанида доимий асосда ҳарбий кемалари сузиб юрган соҳилдан узоқдаги бошқа давлатлар билан бу ерда ҳарбий-денгиз кучлари сонини ва фаолиятини жиддий камайтириш тўғрисида исталган вақтда музокараларни бошлашга;

— Осиёга ҳамда Ҳинд ва Тинч океанлари акваторияларига нисбатан ҳарбий соҳада ишонч тадбирлари тўғрисида АҚШ ва бошқа манфаатдор Осиё мамлакатлари билан музокаралар ўтказишга, бунда хусусан ана шу мамлакатларнинг қуруқликдаги (сувда ҳам суза оладиган) ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво кучлари бир жойдан иккинчи жойга ташланиши ва машқлари тўғрисида хабардор қилиб туриш кўзда тутилади;

— Денгиз коммуникациялари хавфсизлигини, жумладан Форс кўрфази, Ормуз ва Малакка қўлтиқлари коммуникациялари хавфсизлиги гарантияларини, шунингдек соҳил бўйидаги мамлакатларнинг ўз табиий ресурсларига суверенитети гарантияларини ишлаб чиқиш мақсадида Ҳинд океани сувларидан фойдаланадиган ҳамма давлатлар билан кўп томонлама музокараларда қатнашишга;

— Эҳтиёж аллақачон етилган Ҳинд океани устидаги ҳаво коммуникацияларининг хавфсизлиги тўғрисида кўп томонлама битим ишлаб чиқишда қатнашишга;

— Денгиз ва ҳаво коммуникацияларида терроризмга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқишда қатнашиш ва бу конвенциянинг қатнашчиси бўлишга тайёрдир.

Буларнинг ҳаммаси Ҳинд океани зонасида тинчликни таъминлаш проблематикасини тўла-тўкис қамраб олмайди ва биз бошқа мамлакатларнинг бу борадаги таклифларини муҳокама қилишга тайёрмиз, албатта. Лекин юқорида айтилган таклифларни амалга ошириш регионлаги вазиятни соғломлаштиришга сўзсиз кўмак берган бўлур эди.

Муҳтарам парламент аъзолари, кўп нарсалар мамлакатларимиз халқларини яқинлаштиради. Лекин мана шу олижаноб ўзаро интилиш сафида мен бизларнинг маънавий маданиятимиз учун муштарак бўлган борлиқ моҳиятини доимий ва чуқур излашни алоҳида бўрттириб кўрсатишни хоҳлардим. Инсон қандай бўлиши керак, деган масала шунчаки бир масала эмас. Инсоннинг вазифаси, ҳаёт йўлининг тўғрилиги ҳақидаги, шахс ўзини камол топтириши тўғрисидаги ўй-фикрлар ҳар икки мамлакатимиз буюк даҳолари ақл-заковатини банд этган. Ҳаётнинг моҳиятини уларнинг халқ анъаналаридан излаш инсон —инсонийлик— инсониятдан иборат абадий уч масалага тизилган. Шунинг учун ҳам ўрмаловчи прагматизм миллий характерларимизга хос аломат бўлмаса керак.

Мамлакатларимизнинг сиёсатида ҳам юксак даражадаги инсонпарварлик намоён бўлмоқда: совет халқига ҳам, Ҳиндистон халқига ҳам ўз хавфсизлиги, ўз манфаатларининг категориялари билангина фикр юритиб қолмасдан, уларни ялпи хавфсизлик билан, умумбашарий орзу-умидлар билан боғлаш хосдир.

Ҳозир ҳам ядро қуролини тугатишга ҳаракат қилиб, зўравонлик кетмайдиган дунё учун курашиб, цивилизация тараққиётининг биринчи ва асосий мақсади сифатида инсоннинг бахт-саодати тўғрисида ўйлаяпмиз.

Бугунги ҳарбий хавф-хатар —кўнгил тинчлигига шикаст етказувчи оғир ларзагина эмас. Қуролланиш пойгаси —катта-катта моддий, интеллектуал ва бошқа кўп хил ресурсларни чалғитувчи ва бинобарин, инсонни ўз яшаш шароитларини яхшилаши учун зарур воситалардан маҳрум этувчи, натижада унинг ўз ижодиёти билан жамиятни бойитиш имкониятларини қисиб қўювчи воситадир.

Агар биз миллиард-миллиард кишиларнинг турмушини яхшилаш сари туб ўзгартиришни дарҳақиқат хоҳласак, бунинг учун зарур маблағларни ҳарбий мақсадларга мўлжалланган харажатлардан тортиб олиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, қуролланиш пойгасининг моддий базасини камайтириб маблағларни тараққиёт мақсадларига ташлаш лозим.

Шу муносабат билан Ҳиндистон халқининг буюк фарзанди Индира Ганди умуминсоний вазифаларни ҳал этишни айни мана шу йўлдан излаш лозимлигини кўрган биринчи сиёсий арбоблардан бири бўлганлигини эсламай ўтолмаймиз. Совет Иттифоқида ҳам қуролсизланиш янада хавфсиз дунёни таъминлашидан ташқари, турмуш сифатини янада юксалтириши ҳамиша таъкидлаб келинди.

Бизнинг бу масаладаги позицияларимиз Ҳиндистоннинг ва «Деҳли олтилиги»нинг позицияларига мос келади. Биз қуролсизланиш билан тараққиёт ўртасидаги ўзаро алоқаларга бағишланган БМТ конференцияси тезроқ чақирилиши учун курашяпмиз. Афсуски, жаҳонда қуролланиш пойгасига ҳаммадан кўп маблағ сарфлаётган биттагина мамлакатнинг рози эмаслиги сабабли ҳозирча бу конференцияни ўтказиб бўлмай турибди.

Ядро қуролини тугатиш, космик қуролни тақиқлаш ва химиявий қуролни йўқ қилишгина, мудофаа эҳтиёжларидаги кифоялик принципигина халқларнинг турмушини яхшилаш учун зарур маблағлар беради.

Шунга муваффақ бўлсак, ҳозирги авлод ҳаётлигидаёқ очлик, қашшоқлик, саводсизлик, бошқа социал ва иқтисодий иллатларни батамом тугатиш вазифасини амалий йўлга қўйиш мумкин бўлади.

Ўн миллионлаб кишилар жабру жафо кўриб, энг зарур нарсаларга муҳтожликда яшаётган бир пайтда киши буларни ўзига тааллуқлиги йўқ, деб яшай олмайди.

Қуролланиш пойгасини тўхтатиш амалда янги жаҳон иқтисодий тартиби ғоялари рўёбга чиқарилишига ҳам ёрдам беради. Бу нарса ташқи қарз проблемалари ҳал этилишини ҳам енгиллаштиради, бу қарзлар кўпгина мамлакатлар учун экономика билан чекланмай, сиёсий оқибатларга ҳам олиб келмоқда.

Хуллас, қуролсизланиш масаласининг кўпгина ўлчов тарозилари бор. Уни ҳамма нуқтаи назардан ҳал қилмоқ даркор. Зеро бир турдаги қуролланиш пойгаси бошқа турдаги қуролланиш пойгаси билан алмаштирилишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Башарти, биз бир жойда оммавий қирғин воситаларини кўпайтириш учун бошқа бир жойда қуролсизланадиган бўлсак, бу сира ҳам қуролсизланиш эмас, балки алдамчиликдир.

Мен бунда СМТни назарда тутяпман. Жаҳондаги обрў-эътиборли кишиларнинг фикрларига кўра, СМТ кўпгина мамлакатлар халқларининг «чўнтагини» яна бир марта қоқлаб кетиши мумкин. Ҳолбуки, жаҳон жамоатчилигини бу нарса мудофаа программасигина бўлиб қолмай, у ҳарбий бўлмаган экономикалар ривожланишига ҳам омил бахш этади, иш билан банд бўлишни кўпайтиради ва ҳаттоки фаровонликни оширади, деб ишонтиришга уринишмоқда. Бу ер мунозара қилиб ўлтирадиган жой эмас. Шуни айтиш билан кифояланаманки, бу программанинг сурбет ҳимоячилари бошқа давлатларнинг турмуши қандай бўлиши кераклигини СМТ ёрдамида кўрсатиб қўйишгина эмас, бошқа давлатларни қашшоқлантириш ҳисобига ўз миллий маҳсулотларини кўпайтириш ниятларини ҳам яширмаяптилар.

Пировардида яна Совет—Ҳиндистон муносабатларига қайтишга рухсат бергайсиз. Бу муносабатлар тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномамизнинг пухта негизида қурилмоқда.

Бу шартнома ўзаро манфаатли алоқа ва мулоқотлар дадил ривожланиб бориши учун кенг имкониятлар очибгина қолмаётир.

Унинг юксак моҳияти бир томон ёки иккала томон учун мураккаб вазият чиққудек бўлса биргаликда ҳам ҳаракат қилиши тўғрисида мажбурият олишидадир.

Ана шундай вазиятлар пайдо бўлганди. Шунда СССР ҳам, Ҳиндистон ҳам зиммаларидаги мажбуриятларига содиқ туриб, шартномамизнинг руҳи ва ҳарфига мувофиқ ҳаракат қилдилар.

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик замон синовларидан ўтди. Бунда парламентларимиз ўртасидаги алоқалар ва мулоқотлар муҳим роль ўйнамоқдаки, уларни бундан буён ҳам ривожлантириб бориш зарур. Бу гапни СССР Олий Совети номидан гапиряпман.

«Ҳамма баб-баравар ғолиб келиб, ҳеч ким мағлубиятга учрамайдиган ғалабагина ҳақиқий ғалаба, деб ҳисобланиши мумкин»*. Бу сўзлар сизларга таниш, уни ким айтганини биласиз. Ҳиндистон диёрида бундан икки ярим минг йилдан аввал янграган шу буюк ҳикматли ибора ҳозир ниҳоятда актуал бўлиб чиқди. Ядро қуроли асрида мумкин бўлган бирдан-бир ғалаба— ақл-идрок зафаридир. Келинг, шу зафар учун биргалашиб курашайлик!

Муҳтарам парламент аъзолари, Ҳиндистон халқининг фаровонлиги, ялпи тинчлик йўлидаги ўй-ниятларингиз ва ишларингизга муваффақиятлар тилайман. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланаверсин! Эътиборингиз учун раҳмат!

* * *

Сўнгра Р. Ганди нутқ сўзлади.

Улуғ ва дўст мамлакатнинг буюк ва серғайрат раҳбари ҳозир орамизда турганлигини ўзимиз учун катта шараф деб биламиз, деди у. Камдан-кам давлат арбобларигина шу қадар қисқа вақт ичида бутун дунёнинг диққат-эътиборини қарата олган, бизнинг юксак ҳурматли меҳмонимиз худди ана шунга муваффақ бўлди. Унинг нутқи бизга у қандай одам эканлигини, унинг вазифаси нимадан иборат эканлигини, у нималарни кўра слишини тасаввур қилишимизга ҳамда унинг Совет Иттифоқи улкан қудратини тинчлик каби буюк мақсадга эришишга бағишлаш учун қатъиятини тасаввур этишимизга имкон берди.

Биз мустақилликка эришган пайтимиздан буён, деб таъкидлади Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи, озодлик, равнақ ва тинчлик ажралмас эканини эслаймиз. Бизнинг куч-ғайратларимиз Ҳиндистонни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга, Ҳиндистоннинг қудратини мустаҳкамлашга қаратилган. Айни пайтда биз бутун дунёда тинчлик ва ҳамкорликка интилмоқдамиз.

Р. Ганди Рейкьявикда олға сурилган совет таклифларини табриклаб, бундай деди: бу таклифларнинг миқёслари ва дадиллиги ҳайратланарлидир! Ядро қуролига эга бўлган ҳамма мамлакатлар инсоният манфаатлари йўлида ядро қуролларини тугатиш ҳамда мухолифлик космосга ёйилишининг олдини олиш учун мажбурий кучга эга бўлган битим тузишлари лозим.

Сизнинг визитингиз, деб давом этди Бош министр, Совет Иттифоқи Ҳиндистон билан дўстликка нақадар муҳим аҳамият бераётганлигини кўрсатиб турибди. Бу визит бизга Сизнинг буюк мамлакатингиз билан дўстликни қанчалик қадрлашимизни намойиш этишга имкон беради. Бу — қийин даврда бизга мадад берган ҳамда замонавий экономикани қуришда ёрдам берган дўстликдир.

Халқ палатаси спикери Балрам Жакхар учрашув қатнашчиларига мурожаат қилади. Ҳиндистон—Совет дўстлиги кун сайин мустаҳкамланмоқда, деди у. Бу дўстлик инсон фаолиятининг деярли ҳамма соҳаларида: иқтисодий, социал ва маданий, илмий ва техникавий соҳаларда ўзининг табиий давоми сифатида амалий ифодасини топди. Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техникавий ҳамкорлиги ўз кучига таянувчи қудратли индустриал базани ва экономикани барпо этишда бизга катта ёрдам берди. Фан ва техника соҳасида иккала мамлакат олимлари самарали ҳамкорликни амалга оширмоқдалар. 1984 йил 3 апрелда космосга қилинган Ҳиндистон — Совет биргаликдаги парвози янги марра тадқиқотларининг самараларидан баҳраманд бўлиш учун умумий интилишларимиз тарихида улкан муваффақият бўлди, биз ана шу марраларда тинчлик тантанасини гарантиялашни истаймиз. Бизнинг муносабатларимиз давр синовига ва ҳар қандай тазйиқларга бардош берди. Иккала мамлакатимиз 1971 йилдаёқ имзолаган тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома иккала мамлакатларимиз ўртасида ҳамма соҳалардаги анъанавий дўстликни ривожлантиришга кўмаклашди ва у бизнинг бутун дунёда тинчликнинг қатъий тарафдори эканлигимизнинг чинакам ифодаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳар иккала халқларимиз шунга қатъий аминдирларки, бизнинг давримизда инсоният олдида турган энг муҳим вазифа ядро синовларига чек қўйишдан бошлаб ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатишдан ҳамда қуролларнинг космосга ёйилишига йўл қўймасликдан иборат.

Пировардида спикер Ҳиндистон парламенти аъзоларидан Олий Совет аъзоларига ва СССРнинг улуғ халқига дўстона ва қардошлик қутловлари ҳамда энг яхши истаклар топширди.

* * *

Р. Венкатараман, М. С. Горбачев, Р. Ганди ва Б. Жакхар нутқлари зўр эътибор бериб тингланди ва давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди.

* Будданинг сўзлари. Бу сўзларни Ж. Неру 1961 йилда Кремлда бўлган митингда сўзлаган нутқида келтирган эди.

# ЖАЗОИР ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико 26 ноябрь куни Кремлда Жазоир Халқ Демократик Республикаси Халқ Миллат мажлисининг делегациясини қабул қилди. ЖХДР Миллий Озодлик фронти партияси Сиёсий бюросининг аъзоси, Халқ Миллат мажлисининг Раиси Рабаҳ Битат делегацияга бошчилик қилмоқда. Халқаро майдонда Р. Битат Парламентлараро иттифоқнинг вице-президенти сифатида ҳам машҳурдир.

А. А. Громико Совет Иттифоқининг ядро хавфининг олдини олиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш ва қуролсизланиш, кенг қамровли халқаро хавфсизлик системасини вужудга келтириш соҳасидаги куч-ғайратлари тўғрисида жазоирлик меҳмонларга гапириб берди. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Рейкьявикда олға сурган янги ташаббуслар комплексини амалга ошириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ташаббуслар жаҳондаги вазиятни ривожлантиришда туб ўзгариш истиқболларини очиб беради, ядросиз дунё сари йўл солади. Аммо Америка томони ўзининг хатти-ҳаракатлари билан битимга эришишга йўл қўймади. Америка томони аввал бўлганидек, ҳозир ҳам СССРдан ҳарбий жиҳатдан устунликка эришишга интилаётганини яна кўрсатди.

Р. Битат СССРнинг ижобий таклифларини Жазоир раҳбарлари номидан табриклади. Унинг сўзларига кўра, бу таклифларни амалга ошириш қуролсизланиш учун, жаҳонда умумий вазиятни соғломлаштириш учун курашнинг ҳамма йўналишларида тараққиётга, кескинликни юмшатишга қайтишга олиб келган бўлур эди. Воқеаларнинг бундай бориши қуролланиш пойгасидан бўшайдиган маблағларни инсониятнинг энг катта проблемаларини ҳал этишга ҳамда халқларнинг турмуш шароитларини яхшилашга сарфлаш имконини берган бўлур эди.

Томонлар Ўрта ер денгизи ва Яқин Шарқдаги аҳволни муҳокама қилаётиб, империалистик давлатларнинг ушбу регионда кескинликни кучайтириш ҳамда мустақил суверен давлатларга ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий тазйиқ ўтказиш йўлини якдиллик билан қораладилар.

Учрашув қатнашчилари 1967 йилдан босиб олинган барча араб территорияларидан Исроил қўшинларини батамом олиб чиқиб кетиш, фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқларини, шу жумладан, унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўз давлатини тузиш ҳуқуқини амалга ошириш асосида, барча манфаатдор томонларнинг коллектив куч-ғайрат сарфлаши йўли билангина Яқин Шарқда мустаҳкам тинчлик ўрнатилиши мумкин, деб таъкидладилар.

Совет Иттифоқи аввал бўлиб келганидек, ҳозир ҳам барча манфаатдор томонлар, шу жумладан, Фаластин Озодлик Ташкилоти иштирокида Яқин Шарққа бағишланган халқаро конференция чақириш Араб — Исроил можаросини адолатли равишда кенг қамровли бартараф этишга эришиш учун бирдан-бир самарали воситадир, деб ҳисоблайди. Фақат шундай сиёсатгина Яқин Шарқ мураккаб проблемасини ҳал этиш йўлини очиб беради.

Учрашувнинг Совет Иттифоқи ва жазоирлик қатнашчилари сиёсий мулоқотларнинг эришилган даражасидан, шунингдек, иқтисодий, илмий, маданий соҳалар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликдан мамнун эканликларини изҳор этдилар.

Ҳар икки томон Совет Иттифоқи билан Жазоир ўртасида анъанавий дўстлик муносабатларини бундан буён ҳам мустаҳкамлаб бориш иштиёқида эканлигини, парламент йўли билан ўтказиладиган алоқалар бунинг муҳим таркибий қисми эканини таъкидлади.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари П. Н. Демичев, бошқа расмий кишилар, Жазоирнинг СССРдаги элчиси Абдалла Феддал иштирок этдилар.

(ТАСС).

# ЭКОНОМИКАНИНГ СОЦИАЛ РЕЗЕРВЛАРИ

**Инсон жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучидир. Индустриямиз байроқдорлари бўлган корхоналар, машҳур совхозлар, колхозлар, илмий коллективларнинг амалий ишларига диққат билан назар ташлайдиган бўлсак, одамлар тўғрисида доимий ғамхўрлик, хўжалик юритишнинг социал резервларидан моҳирлик билан фойдаланиш уларнинг муваффақиятлари негизи эканлигини ҳамиша аниқлаш мумкин. Меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг ўйлаб тузилган системаси ҳам, уй-жой қурилиши ҳам, соғломлаштириш ва спорт комплекслари, болалар муассасалари қуриш ҳам, малакани ошириш, ижодий ўсиш учун қулай шароитлар яратиш ҳам хўжаликни юритишнинг ана шундай социал резервларидандир.**

**КПСС XXVII съезди планлаштириш ва бошқариш органларининг, марказий ва маҳаллий хўжалик ташкилотларининг социал соҳа эҳтиёжлари сари қатъий бурилишини талаб қилди. Социал соҳанинг аҳамиятини янгича баҳолаш, шу жумладан, унинг иқтисодий ўсишдаги аҳамияти 1987 йил Давлат плани ва бюджетида ўз ифодасини топди. Чунончи, планда биринчи марта комплекс социал бўлим тўла ҳажмда ишлаб чиқилган. Социал программани амалга оширишга сарфланадиган харажатлар ҳаммаси бўлиб 380 миллиард сўмни ташкил этади. Бу эса 1986 йил планидагидан 20 миллиард сўм кўпдир. Эндиликда энг муҳими — ана шу маблағларни тўла ўзлаштириб, социал соҳани ривожлантириш топшириқларини бажаришдан иборат.**

**КПСС Марказий Комитети яқинда 1986 йилнинг социал-маданий қурилиш халқ хўжалиги плани қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Министрликлар ва идоралар, маҳаллий партия, совет, хўжалик органлари съезд кўрсатмаларига амал қилиб, социал соҳани ривожлантиришга катта эътибор бера бошлаганликлари таъкидланди. Шу билан бирга ҳамма жойда ҳам зарур қайта қуриш таъминланмаган. Масалан, СССР Давлат агросаноат комитети, Арманистон, Грузия, Ўзбекистон, Молдавия иттифоқдош республикаларининг Министрлар Советлари, РСФСРнинг кўпгина областлари, ўлкалари ва автоном республикалари уй-жой қурилиши программасини бажармадилар. Ўтган даврда Иваново, Горький, Орёл, Рязань, областларида битта ҳам соғлиқни сақлаш объекти ишга туширилмади. В. И. Ленин бундай «тежамкорликка» нақадар муросасизлик билан қарши чиққанлиги маълум, Бир неча юз миллион сўмни тежаб қолиб, деб ёзган эди у, шунча нарсадан маҳрум бўлишимиз мумкинки, миллиард-миллиард сўмлар ҳам қўлдан бой берилганининг ўрнини тиклай олмайди.**

**Социалистик ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади айрим хўжалик ходимлари учун атиги бир шиор эканлиги сир эмас. Улар бу мақсадни оғизда маъқуллашади, лекин доимий фаолиятларининг принципига айлантирмаганлар. Планларни нима қилиб бўлсада бажариш, кишиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини менсимаслик каби бутунлай тугатилмаган практиканинг сабаби ҳам мана шундадир. Пировард натижада буларнинг ҳаммаси меҳнатчиларнинг зарбдорчасига, манфаатдорлик билан ишлаш истагини сўндириб, ишлаб чиқариш кўрсаткичларига ғоят салбий таъсир қилмоқда. Ишлаб чиқаришнинг социал жиҳатларига, турмушга, кишиларнинг дам олишига эътибор бермаслик фактларининг бирортасига ҳам принципиал партиявий баҳо берилмай қолмаслиги керак.**

**Бу соҳада кўп нарса халқ депутатлари Советларига боғлиқ. Уларга катта ҳуқуқлар бериб қўйилган. Бироқ бу ҳуқуқларни амалга оширишда улар ҳамма жойда ҳам тегишли қатъият ва қаттиққўллик кўрсатмаётирлар. Масалан, Хабаровск ўлкасидаги Советская Гавань шаҳрида тикувчилик фабрикаси қурилиши битай деб қолди. Ҳали у ишлаб турган корхоналар қаторига қўшилмай, ҳозирданоқ бир қанча социал проблемаларни келтириб чиқармоқда. Фабриканинг бўлажак коллективи учун бир квадрат метр ҳам уй-жой майдони, бирорта маиший объект ҳам кўзда тутилмаган. Бу бино фабрика учун бўлмайди, ундан маиший хизмат уйи сифатида фойдаланилса яхшироқ бўларди, деб шаҳар ижроия комитетида очиқдан-очиқ айтмоқдалар. Шундай савол туғилади: шаҳарни социал-маданий ривожлантириш қандай планлаштирилган эди, нима учун зарур нарсани қаттиқ туриб талаб қилмай шаҳар истиқболига тўғри келмайдиган корхона қурилишига рози бўлишган! Ахир буларнинг ҳаммаси маҳаллий Советларнинг тўла компетенциясига кирадиган ишлар-ку.**

**Ҳозир ҳар бир регионга, республикага муайян капитал маблағ ажратилган. Кам харажат билан беш йиллик планнинг бажарилишини таъминлаш — социал соҳани ривожлантириш учун кўпроқ маблағдан фойдаланиш демакдир. Масалан, челябинскликлар ишлаб чиқариш қурилишига ажратилган маблағларнинг салкам 10 процентини уй-жойлар, болалар муассасалари, бошқа объектлар қурилишига буриб юбориш мумкинлигини ҳисоблаб чиқдилар ва бу ишга жиддий киришдилар. Шу тариқа иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этиш чатишиб кетмоқда, тежаб қолинган маблағлардан маҳаллий эҳтиёжлар учун фойдаланишга ҳар қандай уриниш сўзсиз равишда маҳаллийчилик кўриниши, деб баҳоланган практика ўтмишда қолиб кетмоқда.**

**Озиқ-овқат программаси ҳал этилишини яқинлаштириш, бозорни аҳоли учун зарур товарлар билан тўлдириш, совет кишисини хизмат кўрсатишнинг юксак даражаси билан таъминлаш — булар давр тақозосидир. Давлат ва кооператив корхоналари ҳамда ташкилотларининг ишини такомиллаштириш тадбирлари, шунингдек, якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги Қонун айни ана шунга қаратилган.**

**Корхоналар маблағи ҳисобидан социал мақсадларга сарф-харажатлар анча ортади. Келгуси йилнинг ўзидагина моддий рағбатлантириш, социал- маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фондлари 12,7 процент кўпайиб, 25 миллиард сўмдан ошиб кетади. Кишиларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, ҳалол ва виждонан қилинган меҳнатни рағбатлантириш, социал адолат принципини изчиллик билан қарор топтириш учун ана шу фондлардан самарали фойдаланиш мақсадида ҳамма ишларни қилиш лозим. Корхоналар ва бирлашмаларнинг тўла хўжалик ҳисобига ўтиши ҳам ана шунга кўмаклашади.**

**Экономиканинг социал резервларини тўлароқ ишга солиш— хўжалик ҳисобини «қуйига»: цехларга, бригадаларга қатъият билан силжитиш, ҳар бир ишчи, мутахассис ва раҳбарни хўжалик ҳисоби билан қамраб олиш демакдир. Биз социализм шароитида коллектив қанчалик ёмон ишламасин, барибир уни «кулфатда» қолдиришмайди, деб социализмни эксплуатация қила олмаймиз. Эндиликда иш ҳақи принципиал янги негизда: меҳнат коллективларининг хўжалик фаолиятининг яхшиланишига бевосита боғлиқ ҳолда оширилади. Бунда ҳар бир ходимнинг меҳнатини мезонга солишда меҳнаткашларнинг ўзлари актив иштирок этишлари жуда муҳимдир.**

**Ҳозир социал омилларни ҳисобга олмай туриб, бирорта ҳам иқтисодий вазифани муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Корхона ва ташкилотларни 2—3 сменали иш режимига ўтказишни олиб кўрайлик. Самарали меҳнат қилиш учун зарур шароитларни яратиш мақсадида транспорт, ўқув юртлари, болалар боғчалари, бутун социал соҳа иш режимини қайта қуриш керак бўлади. Ленинградликлар ана шундай қайта қуриш намунасини кўрсатмоқдалар. Партия комитетлари, маҳаллий Советлар, касаба союзлари, комсомол бу тажрибани актив оммалаштиришлари, ўз ёндашув йўлларини қатъият билан излашлари лозим.**

**КПСС XXVII съезди маъқуллаган жамият ҳаёти ҳамма соҳаларида чуқур ўзгартиришлар стратегик йўлини амалга ошириш актив социал сиёсат ўтказишни тақозо қилади. Социал соҳадаги муваффақиятлар иқтисодий ютуқларимизнинг натижасигина эмас, шу билан бирга фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, 1987 йил ва умуман беш йиллик топшириқларини бажаришнинг энг муҳим шарти ҳамдир.**

(«ПРАВДА»нинг 1986 йил 27 ноябрь сонидаги бош мақоласи).

# ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Афғонистон Демократик Республикаси маҳаллий ҳокимият органлари вакилларидан бир группасининг Ўзбекистон билан танишуви ниҳоясига етди. Меҳмонлар В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетида бўлдилар, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятининг активлари билан учрашдилар. АДР вакиллари Фарғона водийси бўйлаб сафар қилиб, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг фаолияти билан танишдилар, Фарғона, Марғилон, Андижон, Намангандаги саноат корхоналарини, ўқув юртларини, колхоз ва совхозларни бориб кўрдилар.

(ЎзТАГ).

